Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 август, шанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 154 (902)

ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШДИЛАР

БИШКЕК, 5 август. ЎзА махсус мухбири Амирқул Карим хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов 5 август куни Марказий Осиёдаги уч мамлакат Бош вазирлари кенгашининг дастлабки учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистон пойтахти — Бишкек шаҳрига келди.

Ҳукумат уйида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Қозоғистон Республикаси Бош вазири С. Терешенко, Қирғизистон Республикаси Бош вазири А. Жумағулов ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Унда уч қардош мамлакат президентларининг Алматидаги учрашуви чоғида эришилган аҳдлашувга мувофиқ ўзаро алоқаларни кенгайтириш, хусусан, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Бош вазирлар кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Унда уч мамлакат президентларининг 8 июл куни Алматида бўлиб ўтган учрашуви чоғида таъсис этишга келишилган Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки низоми ҳамда Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари тасдиқланди. Бош вазирлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини шу йилнинг октябр ойида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Музокаралар сўнгида уч республика Бош вазирлари фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоладилар.

А. Муталов, С. Терешенко ва А. Жумағулов журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокара натижалари хусусидаги саволларига жавоб қайтардилар.

Темир йўлчилар байрами

Тошкентда темир йўлчиларнинг касб байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлди. Бу байрам августнинг биринчи якшанба кунида нишонланади.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков очиб, республика темир йўли ходимларини байрам билан самимий табриклади.

Тантана иштирокчилари ўз ишлари ва муаммолар, келажакка мўлжалланган режалари ҳақида гапирдилар. Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, биринчи ярим йил топшириғи ошиғи билан бажарилди, режага қўшимча равишда 70 минг тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юклари ташиб берилди. Йил бошидан буён қўшимча 130 километр темир йўл электрлаштирилди. Бу иш республика ҳудудида тўла электровозларга ўтилгунига қадар давом эттирилади. Йўлларни тўғрилаш, жумладан Ангрендан Қўқонга борадиган йўлни анча қисқартадиган 11 километрлик тоннел қуришга доир катта лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган. Темир йўл хўжалиги 1997 йилга қадар тўла автоматлаштирилиши керак.

Ўзбекистон темир йўл транспорти ходимлари республика иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бутун кучимиз ва тажрибамизни ишга соламиз, Осиё ва Европа мамлакатлари билан мустаҳкам темир йўл алоқасини таъминлаймиз, деб ваъда беришди.

Санъат усталари тантанали йиғилиш иштирокчилари учун катта концерт қўйиб беришди.

(ЎзА)

• *Шу кунниг мавзуси*

ҒАЛЛА ХИРМОНИ БУНДАН-ДА ЮКСАЛИШИ МУМКИН ЭДИ-Ю

аммо айрим вилоят, туман ва хўжаликларда бу ризқ-рўз экинига беписанд муносабатда бўлинди

ЎЗБЕКИСТОННИНГ иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун мамлакатда ғалла мустақиллигига эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис республика ҳукумати ғалла экиладиган майдонларни суғориладиган ерлар ҳисобига йил сайин кенгайтириб боришга жиддий эътибор бераётир. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 10 сентябрдаги 450-қарорида умумий ғаллазорларни 1 миллион 340 минг гектарга, шу жумладан суғориладиган ғалла майдонларини 750 минг гектарга етказиш мўлжалланган.

Бу йил жами 1 миллион 291 минг гектар майдонга бошоқли дон экилди. Ҳозир республика ғаллакорлари ўрим-йиғимни якунлаш арафасида турибдилар. Шу кунгача етиштирилган ялпи ғалла ҳосили 1 миллион 650 тоннадан ошди. Бу ўтган йилгидан 60 фоиз кўпдир. Давлатга топширилган дон 1 миллион 100 минг тоннага етди. Демак, ўтган йилдагига нисбатан 2,2 баравардан зиёдроқ дон тайёрланди.

Пишиб етилган ҳосилни вақтида ўриб, саранжомлаб олган Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳар гектар майдондан 26—38 центнердан хирмон кўтардилар. Марҳамат тумани ғаллакорлари суғорма ерлардаги бошоқли дон ҳосилини 45 центнерга, бўзликлар 44, наманганликлар 43, учқўрғонликлар 41 центнерга етказиб, республиканинг умумий ғалла хирмонига баракали улуш қўшдилар.

Аммо ғаллазорларда ўрим-йиғим якунловчи босқичга кириб, давлатга дон топшириш режаси бажарилиш арафасида турган бир пайтда асосий ғалла етиштирадиган вилоятларда ҳеч қандай сабабсиз суткашликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилди. Республика бўйича бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги бир мунча ошгани ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги суғориладиган майдонларда бу кўрсаткич анча пасайди.

Бунинг сабаблари маълум. Кузда уруғлик дон ўз вақтида экилмай, қулай фурсатлар бой берилди. Эрта кўкламдан эса ғаллазорлар ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, асосий эътибор гўза ва бошқа экинларга қаратилди. Ҳатто, айрим туман ва хўжаликларда бошоқли дон ўғин ажратилиши лозим бўлган ўғитлар ҳам шу экинларга берилди, сувдан ҳам қисилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари айрим майдонлардаги ғаллани синчиклаб текшириб, бу ерларга мутлақо ўғит солинмагани ва умуман суғорилмаганлигини аниқладилар. Демакки, "Мунча ўғит солдик, фалон марта суғордик" дея юқори ташкилотларга жўнатилган маълумотлар ёлғон бўлиб чиқди.

Кўп жойларда пишиб етилган ҳосилни ўриб-йиғиб олишга вақтида пухта тайёргарлик кўриш ўрнига, техника воситалари ва уларга керакли эҳтиёт қисмлар йўқлигини баҳона қилиб, масъулиятсизликка йўл қўйилди. Оқибатда ўрим-йиғим мавсуми айни қизғин паллага кирган пайтда техника воситалари етишмай қолди. Борлари ҳам кунда-кунора бузилиб, сафдан чиқди. Обдон пишган дон эса бошоқда турмай, бир қисми ерга тўкилиб, исроф бўлди.

Масъулиятсизлик шу даражага етгани боис айрим пайтларда тайёр ғаллани талон-торож қилиш ҳоллари ҳам рўй берди. Бу — жамоа аъзолари онгига кўпдан бери сингиб келган эски иллат. Аммо деҳқон (фермер) хўжалиги аъзолари бунга асло йўл қўймайдилар.

— Улар бутун масъулиятни ўз зиммаларига олиб, назоратни бўшаштирмайдилар,— дейди Қишлоқ хўжалик вазирлиги деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи Раҳим Исаев.— Биз жойларда шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлдикки, бир киши комбайннинг кетидан қолмай, унинг ишини кузатиб боради. Агар доннинг ерга тўкилаётганини сезса, дарҳол комбайнни тўхтатиб, ҳайдовчидан носоз ишлаётган қисмни тўғрилашни талаб этади. Бу ишни комбайнчининг ўзи эплай олмаса, ҳатто муҳандисни ҳам топтириб келтиради. Хуллас, бир сиқим ҳам ғалланинг нобуд бўлишига йўл қўймайди. Хўжаликнинг яна бир аъзоси янчилган донни омборга пешма-пеш ўзи олиб бориб топширади. Чунки, улар шу ернинг, шу ғалланинг, ундан келадиган пировард даромаднинг эгалари. Оилаларини шу билан тебратишади, болачақаларини боқишади, қолаверса, шу мақсадда фермер бўлишган-да.

Қорақалпоғистон Республикасидаги кўпгина туман ва хўжаликларда ҳам суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштиришда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Уларда ҳосилдорлик ўн центнерга ҳам етмаганлигини ҳеч қандай баҳонаю сабаб билан оқлаб бўлмайди. Тўғри, бу минтақада ерларнинг нисбатан қучли шўрланганлигини, дон экиш учун аввал шўр ювиш зарурлилигини рўкач қилиш мумкин. Аммо бу узрли сабаб бўлолмайди. Ҳамон бошоқли дон экиш лозим экан, майдон танлашда янглишмаслик керак эди. Кўп хўжаликларда тушунмаслик, тўғрироғи эътиборсизлик оқибатида шолипоя билан ғаллазор ёнма-ён жойлаштирилди. Ҳолбуки, ғалла намликни ёқтирмайди.

Ишчан одам имконият излайди, дангаса эса баҳона қидиради, деганларидек, ер ва иқлим шароитлари, қолаверса, ҳамма имкониятлари бир хил бўлган туманларда ҳосилдорлик кескин фарқ қилганлигини қандай изоҳламоқ керак? Чунончи, **Коникўл туманидаги "Олтинкўл" жамоа хўжалигида суғориладиган майдонлардан 25 центнердан хирмон кўтарилди. Ўринбой Эспанов, Куролбой Отаниёзов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик, ҳатто, 35 центнерга етди. Бироқ Элликқалъа ва Шуманай туманлари хўжаликларида эса ўртача ҳосилдорлик ўн центнерга ҳам етмади.**

Кўриниб турибдики, бу туман ва хўжаликларда бошоқли донни экишдан бошлаб, то ҳосилни ўриб-йиғиб олгунга қадар бўлган ҳамма агротехник юмушлар умуман бажарилмаган, экин ўз ҳолига ташлаб қўйилган, раҳбарлар ғаллазорларга қадам босмаганлар.

Айрим вилоят, туман ва хўжаликларда катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни вақтида йиғиштириб олмай, унинг кўп қисмини нес-нобуд қилишдек эски касал ҳамон давом этмоқда. Баҳона ҳам тайёр: иқтисодий алоқалар издан чиққани учун техника етишмайди, янгисини сотиб олиш учун пул ўтмайди, эҳтиёт қисмлар йўқ, ёнилғи-мойлаш ашёлари тақчил. Хўш, Фарғона водийси вилоятларида бундай муаммолар йўқмиди? Ахир улар ҳосилнинг ҳаммасини қисқа муддатда ўриб-йиғиб олдилар-ку!

Юртбошимиз мамлакатда бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари яратилганини, энди ҳамма гап заҳматкаш, меҳнатсевар халқимизнинг самарали ишлаши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериб, улуғвор ишларга сафарбар эта олишда эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Аммо амал курсисига мустаҳкам ўтириб олган айрим тўрасифат раҳбарлар халқни сафарбар этиш у ёқда турсин, ўзлари ишламяптилар, ҳаловатларини бузгилари келмяпти.

Меҳнаткаш халқнинг ғайрат билан ишлаши учун аслида кўп нарса керак эмас. У қойил қилиб қўйган меҳнатининг ҳақини вақтида олиб турса бас, енг шимариб ишлайверади. Ақл ўргатишнинг, "Ундай қилма, бундай қил" деяверишнинг ҳам ҳожати йўқ. Меҳнатининг пировард натижасини кундалик турмушида, рўзғорида кўриб, сезиб турса, бўлди, ўзини ҳам, давлатни ҳам ёлчитади. Лекин Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 миллион тоннадан зиёд дон топширган ғаллакорлар ўзлари ҳалол ишлаб топган 550 миллион сўм пулларидан бор-йўғи 157 миллион сўмини олишган, холос. Қолганини қачон олишлари жумбоқ. Наҳотки, ўзимиздаги ички қарзлар масаласи ечиб бўлмайдиган муаммога айланиб қолган? Молия вазирлиги, Марказий банк ва бу масалага алоқадор вазирликлар, ташкилотлар ҳисоб-китоб ишларида қатъий интизом ўрнатмасалар аввалги ғалласининг пулини ололмаган деҳқон янги ҳосилга замин яратишга киришишдан аввал ўйлаб қолиши табиийдир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон ўз ғалласига эга бўла бошлади. Ҳадемай, четдан ғалла сотиб олишга ҳожат қолмай, ўзбек халқи ўз нонини ўзи яратади. Бунинг учун ғалла мустақиллигига эришиш йўлида ғов бўлаётган иллатларни тезроқ бартараф этиш лозим.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
"Халқ сўзи"нинг
махсус мухбири.

ҚИЗИЛҚУМДА ТУЗ КОНЛАРИ

Тахтакўпир туманининг Қизилқумга туташган "Қоратерен" худудида йилига 120 тонна сифатли ош тузи етказиб берадиган завод қурилмоқда.

Уни Қорақалпоғистон Республикаси тадбиркорлар уюшмаси амалга оширмоқда. Корхона мамлакатимиз мустақиллигининг 3 йиллиги арафасида ишга туширилади.

Тўрткўл туманининг "Ўққили" конида ҳам туз корхонаси барпо этилмоқда.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

"Қумқўрғонсавдо" ташкилоти йил бошида очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, 30 миллион сўм-купонлик акция сотган эди.

Олинган маблағ ҳисобидан бир неча янги дўкон, ишлаб чиқариш цехлари қурилди.

Ҳозир 45 та дўкон шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Новвойхона, новвот тайёрлаш, гилам тўқиш, тикувчилик цехларининг маҳсулотлари харидоргир бўлаётир.

(ЎзА)

• *Истиқлолнинг уч йиллигига "Халқ сўзи" анкетаси*

МУҲИМИ, ИШОНЧ ТУЙҒУСИ МУСТАҲКАМЛАНАЯПТИ

1. Шахсан ўзингиз, жамоангиз Мустақиллик куни байрамини қандай туйғулар билан кутиб олаяпсиз?

2. Сизнингча, шу уч йил давомида рўй берган қайси ўзгаришлар энг муҳим ва нега?

3. Истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш учун, айниқса, тўлиқ иқтисодий мустақилликка эришиш учун бундан буён қандай юмушларни амалга ошириш керак деб ўйлайсиз?

Ҳайдар ЭШОНҚУЛОВ,
пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати,
Қашқадарё вилоят Касби тумани.

1. Истиқлолга эришганимиздан буён биз бениҳоя кўп ва салмоқли муваффақиятларга эришдик. Уларнинг ҳар бирини алоҳида таърифлаб чиқиш учун вақт кўп керак. Энг муҳими, халқимиз қалбида мустақилликка, фаровон келажакка бўлган ишонч туйғуси мустаҳкамланди. Бугун ўзбекнинг тоғни урса талқон қиладиган алп ёшларидан тортиб, нуроний чеҳраларини ажин босган оппоқ соқолли қарияларгача — барча ана шу улуғ неъматдан баҳраманд бўлмоқда.

Бригадамиз аҳли ҳам истиқлолимизнинг уч йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Ҳозир экинларимизнинг аввли баланд. Насиб этса, ку да ката ҳосил оламиз. Уйган хирмонимиз қанчалик сарбаланд бўлса, демак, Ватанимиз тараққиётига қўшган ҳиссамиз шунчалик кўп бўлади. Буни жамоамизнинг ҳар бир аъзоси чин дилдан ҳис этиб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётир десам, баландпарвозликка йўйманг.

2. Республикамизда халқимиз ва мамлакатимизнинг порлоқ келажагига даҳлдор бўлган жуда кўплаб муҳим ўзгаришлар содир бўляпти. Шу кунларда юз бераётган энг кичкина воқеани ҳам бундан тўрт-беш йил илгари тасаввурга сиғдириб бўлмас эди. Ҳа, мустақилликнинг аҳамияти беқиёс экан...

Мана, яқинда Ўзбекистон ҳақиқий мустақилликнинг муҳим шартларидан бири бўлган ўз пул бирлиги — сўмни муомалага чиқарди. Сунгги ўзгаришлар орасида энг муҳимларидан бири ҳам мана шудир десак, янглишмаймиз.

3. Меҳнатсеварлик, омилкорлик, аҳиллик — ҳар қандай муваффақиятнинг асосидир. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Фақат аҳил бўлсак, бир-биримизга ишониб, бир ёқадан бош чиқариб камчилик ва нуқсонларни қадамбақадам бартараф этиб борсак, ниятимизга етамиз".

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

1994 йил 5 август куни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида навбатдаги савдо бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операция қилиш ҳуқуқига эга бўлган олтита банки иштирок этди.

Сотилган умумий пул миқдори 1,45 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1 АҚШ долларининг қиймати 11,02 сўм миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 6 августдан бошлаб ҳисобга олиш ва бож тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.

1 Австралия доллари	8,17	1 Норвегия кронаси	1,59
1 Австрия шилленги	0,99	10 Португалия эскудоси	7,31
1 Англия фунт стерлинги	16,92	1000 Туркия лираси	0,35
10 Бельгия франки	3,37	1 Финляндия маркаси	2,11
1 Голландия гульдени	6,18	1 Франция франки	1,42
10 Греция драхми	0,46	1 Швеция кронаси	8,22
1 Дания кронаси	1,76	1 ЭКЮ	13,25
1 АҚШ доллари	11,02	10 Япония иенаси	1,10
1 Миср фунти	3,26	1000 Россия рубли	5,30
1 Ирландия фунти	16,59	1 Эстония кронаси	0,88
1 Исландия кронаси	0,16	1000 Украина карбованеци	0,57
10 Испания песети	0,84	1 Латвия лати	20,07
100 Италия лираси	0,70	1 Литва лити	2,76
1 Канада доллари	7,92	1 Қозоғистон тенгеси	0,24
1 Қувайт динори	37,32	1 Молдова лейи	2,67
100 Ливан фунти	0,66	1000 Беларусь рубли	0,39
1 Германия маркаси	6,94		

Хорижий валютанинг қиймати белгиланган вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бу валюталарни мазкур қийматда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 6 августдан бошлаб махсус алмаштириш пунктларидан фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг тижорат қийматини қуйидагича белгилади.:

Сотиб олиш қиймати: бир АҚШ доллари учун 19 сўм.

Сотиш қиймати: бир АҚШ доллари учун 21 сўм.

• *Бирортаям танқид жавобсиз қолмаслиги керак!*

ИККОВИЯМ ИШДАН БЎШАТИЛИБ, ҲУЖЖАТЛАРИ ТЕРГОВГА ЮБОРИЛДИ

("Бекатларда одам тўла, ҳайдовчилар эса... бензин сотиш билан овора", "Халқ сўзи", 1994 йил 27 июль)

Андижон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи О. Ғозиев ва газета мухбири Ф. Шодмоналиевнинг ушбу танқидий мақоласи "Ўзавтотранс" корпорацияси томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди ва муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар ҳақиқатан ҳам тўғри.

Бошқа вилоятларда бундай воқеалар такрорланмаслиги учун 1994 йилнинг 29 июлида корпорация томонидан 349-сонли буйрук чиқарилди. Мақола "Андижонтранс" автобирлашмасининг кенгайтирилган мажлисида, Андижондаги 2511-автожамланмада ҳам кўриб чиқилди.

Нефть маҳсулотларидан унумли фойдаланиш ва уни тежамкорлик билан ишлатишни ташкил қилиш, уларни қонунга хилоф равишда сотишга чек қўйиш мақсадида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди ва юқоридаги қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан маъмурий боралар кўрилди. Жумладан, корпорациянинг 349-сонли буйруғига асосан, ёнилғининг тўғри ишлатилиши назоратини бўшаштирганлиги учун "Андижонтранс" ИБ бошлиғи М. Рустамовга, унинг ўринбосари К. Мансуровга, ҳаракат хавфсизлиги бўлимининг бошлиғи М. Сотиболдиевга ва назорат-тафтиш бўлимининг бошлиғи Л. Тожиевга ҳайфсан эълон қилинди ва ушбу воқеа қайтарилса, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида ишлаш масаласи корпорация раёсатида кўриб чиқилиши кўрсатиб ўтилди.

Ҳайдовчилар ўртасида тартиб-интизомни бўшаштириб юборганлиги ва нефть маҳсулотларидан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳолларига йўл қўйилганлиги учун "Андижон-транс"нинг 1994 йил 27 июлдаги 43-қарори ва 28 июлдаги 258-сонли буйруғига асосан, 2511-автожам-ланма бошлиғи Б. Халиловга ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинди, унинг муовинлари И. Калонов ва Х. Юнусовга ҳайфсан эълон қилинди. Автобўлимда тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганлиги учун 2-автосаф бошлиғи С. Икромов, шу автосаф ҳайдовчилари К. Паттоев ва Т. Мирзаев ишдан бўшатилди. Ўзларига бириктирилган автобусларнинг бензинини сотган бу икки ҳайдовчининг ҳужжатлари Андижон шаҳар тергов бўлимига юборилди.

Келажакда бундай тартиббузарликлар қайтарилмаслиги учун барча автобирлашма ва концерн бошлиқларига "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган шу танқидий мақола бирлашма ва концернларнинг кенгайтирилган йиғилишларида кўриб чиқилиши ва чора-тадбирлар белгиланиши, нефть маҳсулотларидан тўғри фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш кўрсатиб ўтилди.

Лерик АҲМЕТОВ,
Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорацияси бошқарувининг ранси.

6 август

ТОШКЕНТДА—ЧЕХИЯ ТРОЛЛЕЙБУСЛАРИ

№ 154 (902)

Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллик байрами арафасида пойтахт кўчалари кўркига-кўрк қўшиб Чехия троллейбуслари қатнай бошлади.

"Шкода"да ўриндиқлар сони кам бўлса-да, салони кенг, йўловчилар харакатланиши учун қулай. Зинаси паст бўлгани учун чиқиб-тушишга ҳам ўнгай. Уни бошқариш ҳам осон. Янги машина ҳайдовчиларини ўқитиш ташкил этилди.

Ҳозир фойдаланилаётган "ЗИУ-9" троллейбусларнинг қарийб 65 фоизи эскирган. Шаҳримизда эса янги-янги мавзелар барпо этилмоқда. Аҳоли кўпайиб, транспортга талаб ортиб бораётир. Шу боис яна 30 та троллейбус сотиб олинди".

СЕРГАК ТЕЛЕФОН

10 ва 11 да

ОМОНАТИМГА ХИЁНАТ ҚИЛИШДИ

Собир САФОЕВ, Чилонзор тумани, Чархи-комолон маҳалласи:

— Шу йил 12 июль куни Яккасарой туманидаги № 36300139-омонот кассасига акция сотиб олиш учун 700 минг сўм-купон олиб бордим. Кассир қиз пулни олиб, менга кўрсатмай санади. Ва пулим 617 минг сўм-купон чиққанини айтди. Мен бўлиши мумкин эмаслигини, нима учун мендан яшириб пул санаганини сўрадим. Бу орада ўша ерда турган номаълум йигит мени чалгита бошлади. Хуллас омонатга пул қўяман, деб хиёнатга учраб қайтдим. Уйга келгач: 55-34-91 рақамли телефонга — бошлиғига сим қоқдим, натижа бўлмади.

800 ЎРНИГА 150 ГРАММ

Маҳбуба САИДОВА, Қашқадарё вилоят, Қамаши тумани:

— Биз гуруч, шакар каби меъёрланган маҳсулотларни иккиуч ойдан буён ололмаяпмиз. Ўтган ойда киши бошига 150 граммдан шакар беришди...

ҚАЕРГА ГУМДОН ҚИЛИШЯПТИ?

Ўктам СУЛТОНОВ, Шаҳрисабз шаҳар, "Ипак йўли" кўчаси:

— Кўчамиз аҳолиси шаҳар матлубот жамиятига қарашли 70-дўкондан меъёрлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилади. Шуниси ажабланарлики, январь-февраль ойлари учун шакар ололмаганимиз етмагандай, июнь ойида атиги 200 граммдан шакар берилди. Қизиқ, дўкондорлар одамлар ризқини қаерга гумдон қилишди экан?

ВАЪДАДАН НАРИ ЎТИШМАЯПТИ

Комилжон НАБИЕВ, — Яккасарой тумани, Жамбул 3-тор кўча:

— Бинойидек ишлаб турган радиоузелимиз бундан икки ой муқаддам ўз-ўзидан ишламай қолди. Шаҳар радиотармоғига мурожаат қилсак, "Кутинг, тузатамиз", деган ваъдадан нари ўтишмаяпти.

ҚУЛФЛОҒЛИК ДЎКОНЛАР

Хасанбой ҲАЙДАРОВ, Охунбобоев тумани, "Намуна" жамоа хўжалиги:

— Хўжалигимиз ҳудудидаги 11 ва 13-дўконларга қачон борманг, қулф осиғлиқ туради. Биз ҳали бирор марта ҳам меъёрлаштирилган маҳсулотларимизни ўз вақтида, тўлиқ ололганимиз йўқ.

АВТОБУС ЮРМАЙДИ

Тўра АБДИХЎЖАЕВ, Зангиота тумани, "Наврўз" жамоа хўжалиги:

— Зангиота тумани маркази билан С. Раҳимов метросини 448-автобус боғлаб турарди. Сўнгги пайтларда у умуман қатнамай қўйди. 153-автобус ҳам мунтазам юрмайди. Яна бир масала, қишлоғимизда ичимлик суви йўқ. Туман хокимлигига қилган мурожаатларимиз натижа бермаяпти.

АҲИР БЕНЗИННИ ЎЗЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИШМАЙДИ-КУ?

О. СИДДИҚОВ, Пахтаобод тумани, Бўтақора қишлоғи:

— Кейинги пайтда Андижон кўчалари ва пастқам жойларида бензин сотадиган ҳайдовчилар кўпайиб қолди. Енгил машина учун бензин қуймоқчи бўлсангиз, "тадбиркор"ларга ҳар 20 литр бензин учун 220-250 сўм беришга тўғри келаяпти. Улар ўз уйларида бензин ишлаб чиқарсалар ҳам майли эди. У ахир давлат маҳсулоти-ку!

"Халқ сўзи" мухбири
Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи
ёзиб олди.

ҚАДИМ КАРВОННИНГ ЯНГИ ЙЎЛИ

- *Мустақиллик кунининг уч йиллиги олдидан*

- ***Ҳуррият — буюк цивилизация йўлини очди.***
- ***Миллий онг уйғонди, халқ ўзлигини таниди.***
- ***Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотларни ижобий боҳолаяпти.***

Баҳор офтобидай кўнглимизни орзуга, озодлик ва ҳаёт нашъасига тўлдирган Мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида турибмиз. Долғали ва машаққатли тикланиш, дунёнинг катта йўлларига чиқиш даврида мустақил Ўзбекистон босиб ўтган йўлга қарасак, дилимиз ифтихорга тўлади.

Собиқ қизил империя чилпарчин бўлди. Унинг харобалари ўрнида озод, мустақил ёш давлатлар туғилди. Бу навқирон давлатлар ўз ҳаётларини мутлақо янгидан, янги пойдевор ташлаб, қура бошладилар. Собиқ совет салтанатчилиги қалаштириб ташлаган миллий, сиёсий, ҳудудий, иқтисодий муаммолар бу ёш давлатлар бошига қора булутдай ёпирилиб келди. Натижада, МДҲ деб аталувчи катта бир миқёсдаги минтақаларнинг айрим жойларида турли низолар, ҳақ талашув, чегара талашув, бошпана тортишув балоси қонли тўқнашувларга айланди ва минглаб одамларни дарбадарликка, азоб-уқубатга, муҳтожликка, майиб-мажруҳликка мубтало қилди.

Ана шундай оғир, қалтис ўтиш даврида мўътадил иқлимли, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва мувозанат ҳукм суриб турган Ўзбекистон ривожланишнинг тезкор палласига кирди. Қисқа муддатда Ўзбекистонни 100 дан ортиқ мутараққий мамлакатлар тан олди. У БМТга аъзо бўлди, ўз байроғи, туғроси, Бош қонунини яратди. Ўнлаб нуфузли хорижий давлатларнинг элчихоналари ўз дарвозаларини Ўзбекистон заминида қурдилар, суверен давлат сифатида у билан тенг дўстона муносабат ўрнатдилар.

Тарихдан шу нарса аёнки, бутун бир давлатнинг гуллаб-яшнаши, халқаро майдонга чиқиши, обрў-эътибор қозониши, ишончэътиқоди субъектга айланиши учун буюк шахсларнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Тадбиркор ва омилкор давлат раҳбари жаҳон афкор оммаси кўзи олдида халқнинг обрў ва шукуҳини юксалтиради. Мамлакат, халқ ва давлатга шон-шараф келтиради.

Ақл-заковат ва мустаҳкам ирода билан амалга оширилаётган тинчиликпарварлик, инсонпарварлик сиёсати, турли миллат ва элатларнинг миллий, маънавий, маърифий қадриятларини ҳимоя қилишдек олижаноб фазилат билан юрт сўраш — халқни замонавий тараққиётнинг янги пиллапоясига олиб чиқади, мамлакатимиз учун инсоният бугун эришган буюк цивилизация йўлини очади. Бу борада жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий, маданий ислоҳотларга ижобий баҳо бермоқда, уларни қўллаб-қувватламоқда.

Бу сўзсиз, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг миллат ва Ватан тақдирига қайғуриши, Мустақиллик қадриятларини яратишдаги ижодкорлиги, улкан жамоат ва давлат арбоби сифатидаги ноёб хислатларининг самарасидир.

Марказий Осиё давлатларида, ундан ҳам кенгроқ миқёсларда, хусусан, қадим қўшнимиз Афғонистонда тинчлик-омонлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик сиёсати катта ижтимоий мавқе касб этаётганлигида қирғин-қабоҳатларнинг олдини олиш қадамлари қўйилаётганида ҳам шахсан И. А. Каримовнинг БМТга қайта-қайта мурожаати, тинимсиз бонг уруши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Швейцарияда бўлиб ўтган "Форум фонд" анжуманидаги ёрқин нуткида Президентимиз ўзи олиб бораётган кенг миқёсдаги ҳамкорлик сиёсати бугунги жаҳон сиёсатига тўла мос ва уйғун эканлигини кўрсатди, халқаро миқёсда давлат арбобининг обрўсини беҳад ошириб юборди.

Аллоҳ ва тақдир иноятн билан юксалиш-шараф буржига кирган Марказий Осиё минтақасидан БМТ Хавфсизлик Кенгашида шу қадим регион манфаатларини ҳимоя қилувчи вакиллардан бирининг номзодини биз И. А. Каримов тимсолида кўрмоқдамиз, десак муболаға бўлмас.

Халқимизда, чумчуқнинг уяси ҳам бузилмасин, деб хўб яхши айтилган ҳикмат бор. Ўзбекистонимизда бир маромда меҳнат қайнаётгани, болаларимизнинг беғубор кулгусидан уйимиз обод бўлаётгани, эркин ва мустақил давлат бўлиб жаҳон билан борди-келди қилиб, етти иқлимга бамайлихотир карвон жўнатаётганимиз миллий ва ижтимоий барқарорликнинг, дўстлик ва биродарликнинг бизга берган туҳфасидир.

Бу — Ўзбекистон халқларининг пешонасига тушган тақдирнинг саодатли нури. Биз яқин ўтмишимизни қораламоқчи эмасмиз. Лекин унга ҳар томонлама холис баҳо бермасдан ҳам ўтолмаймиз. Сир эмас, яқин ўтган кунларда советлар империясининг Осиё қисмида ҳаётнинг табиий оқими бузилганди. Осиёмизда инсон устидан тинимсиз тажриба ва тадқиқотлар ўтказилди. Инсон — арзон ишчи кучига айлантирилди, унинг руҳий оламидаги иқлим саробга айланди, маънавият дарёлари қуриди. Бир ёнда эълон қилинмаган афғон урушида навниҳол йигитлар теракдай йиқилаверди, бир ёқда Семипалатинскдаги ядровий портлашлар Инсон наслига балоофат ёғдирди. Чернобил фожиасига учраган ёш-ёш йигитлар шамдай сўнаверди. Оролни босган туз шўри қанча машаққатлар олиб келди.

Аслида Инсон қадриятларини ҳимоя қилувчи, ҳар қандай можароларни тинч йўл билан ҳал этишга масъул бўлган Тинчлик жамғармаси Ўзбекистон бўлими ва Тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси ҳам ўз "онаси"— коммунистик партиянинг дастёри эди. Унинг энг эзгу қонунлари қоғозлардан чиқиб ҳаётга фаол аралашиб кета олмади ва чиройли шиор, хитобларнинг жарчисига айланиб қолаверди. Албатта, афкор омма кўзи учун қуролсизланиш ҳафталиклари ўтказиб турилди, аммо амалда СССР аталмиш улкан салтанат оғир қуролларнинг аслаҳаҳонасига айланди ва ўз ядро қуроллари билан дунёни ваҳимага солиб турди.

Бир ёқда эътиқод эркинлиги, миллатлар, элатлар тенглиги хусусида тинимиз ташвиқот янграб турди-ю, аслида якка ҳоким мафкура Инсон ақли, шуурини жиловлаб олди, бир миллат улуғ оға аталиб, бошқалар унга таъзимда, мадх-у сано ўқиб, кун кўрди. Бир тилга жаҳоннинг барча эшиклари очилдию ўзга тиллар ўз томорқасидан нари ўтолмадилар.

Миллион тонналик пахта хирмонларини кўтарган ўлкада одамлар 16 соатлаб пайкаллардан чиқмадилар. Мана шу арзон ишчи кучи орасидан қаҳрамонлар, илғорлар, зарбдорлар ажратиб олинди ва айниқса минглаб механизатор аёлларнинг жамиятдаги елгон ўрни пайдо бўлди, алалхусус Инсоннинг, Аёлнинг табиатига путур етди, бу билан социалистик жамиятнинг ахлоқий қатламлари ҳам емрила борди. Инсон ижрочи-Роботга айланди.

Табиатни, маданий ёдгорликларни асраш ҳақида қанчадан қанча қонунлар қабул этилди, ва лекин дарёларда балиқлар, қўлларда сўнағозлар қуриди, боғларга кирон келди, асрий маҳобатли обидалар хароботга, турли омборхоналарга айлантирилди.

Мана шу фожиа бизнинг кўз ўнгимизда рўй бергани кечирилмас ҳол. 1951 йилдан фаолият майдонига чиққан Тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси Ўзбекистон бўлими ва Тинчлик Жамғармаси собиқ Совет Тинчлик Фондининг бир шўъбаси сифатида ўз қатъий сўзини айта олмас эди...

Миллий онг уйғонди. Халқ ўзлигини таниди. Миллат, Ватан манфаати, Мустақиллик қадриятлари деган муқаддас тушунчалар кун тартибига чиқди.

Энди жаҳон билан ўз тилида, ўз халқи, миллати манфаатини ҳимоя қилиб дўстона муносабатлар ўрнатадиган замон келди.

Бу борада 1992 йилнинг декабрида (мазкур икки жамоат ташкилоти бирлашиб, Ўзбекистон Тинчилик ва ҳамжиҳатлик жамғармаси аталган) рўйхатдан ўтган Тинчлик жамғармаси ўз биринчи қадамларини ташлаган эди.

Хитой "Тинчлик ва қуролсизланиш" учун жамияти, АҚШ Черковлар Услубий бирлашмаси, Буюк Британия хайрия ташкилотлари билан ўзаро алоқа боғлаб, ҳамкорликда дўстлик шартномалари тузди, симпозиумлар ташкил қилди. АҚШдан эса болаларимиз учун жажжи америкаликлар ўз қўллари билан ясаган турли-туман ўйинчоқлар келди. Мазкур хайрия ташкилоти Нукусдаги марказий шифохонада бўлди, Оролбўйи муаммоларини ўрганди. Тиббий дори-дармонлар юборди. Англиялик олийҳиммат биродарларимиз эса ногиронлар жамиятларида бўлиб, ушбу кўнгли ярим инсонлар эҳтиёжини ўрганиб, ёрдам бериш режаларини тузди лар.

Жамғарманинг барча вилоятларда бўлимлари ишлаб турибди. Улар юртнинг яхши кунларида, байрам-сайилларида элга хизмат қилишмоқда. Болаларни ҳимоя қилиш куни, "Наврўз" байрами, "Ғалаба айёми", Мустақиллик шодиёналари муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Бош қонуни қабул қилинган кун шарафига маърифий тадбирлар, марафонлар, хайрия маросимлари, давра суҳбатлари ўтказиб, аҳолига моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

"Мустақиллик қадриятлари", "Истиқлол — шаъну шарафимиз", "Ягона миллий-маънавий замин" мавзусида суҳбат-учрашувлар бўлиб ўтди, Истиқлол байрами кунлари ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар иштирокида пойтахт ва вилоят мактабларида "Мустақил Ўзбекистон давлат рамзлари" мавзусида очиқ дарслар ўтилди.

"Хотира" китоби учун Жамғарма ўтган йиллар давомида 600 мингдан зиёдроқ пул маблағ ажратди. Ҳамёни юпқалашиб, деярли хайрия пуллари тушмаган 1993 йилда Жамғарма ва унинг бўлимлари турли тадбирлар учун 5 млн. сўмга яқин харажат қилди.

Афсуслар бўлсинки, 1991-1992 йиллар мобайнида мисқоллаб йиғилган миллион-миллион сўмлар турли — ташкилот ва корхоналарга қарзга берилган ва бу баракали пуллар 1993 йилнинг август ойидагина ўз эгасига баракаси учиб қайтди. Жамғарма қошида тузилган кўпгина кичик корхоналар, "синиб", омон қолганлари эса жуда оз миқдорда фойда бермоқдалар. Айримлари эса турли баҳоналар билан шартномадаги аҳдларига риоя қилмаяптилар.

Мустақил давлатнинг мустақил жамоат ташкилоти Уставини тубдан янгилаб, мазмун-моҳиятан бугунги янги дунё, янги ҳаёт мезонларига мосламоқ эҳтиёжи сезилмоқда.

Энди эски ақидалар, эскирган қолиплар билан ишлаб бўлмайди, Халқлар ва элатлар, миллатлараро тенглик, тотувлик, дўстона ҳамкорлик, тинчлик, тараққиёт учун, миллатга хизмат қиладиган, Ватан шаъни-шарафини ҳур фикрли башариятга етказадиган, иқтисодий қийинчиликлардан ўтаётган бир паллада мамлакатимиз аҳлининг турли қатламлари орасида меҳру мурувват, дўстлик, Истиқлолга садоқат туйғуларини тарғиб қиладиган Жамғармага бугунининг ўзи янги ном, янги мазмун бериб турибди:

Миллий ва ижтимоий барқарорлик учун кураш ҳар бир фуқаронинг виждон бурчидир. Миллий ва ижтимоий барқарорлик заминида Мустақил Ўзбекистон пойдор бўлажак, Инсон қадриятлари, теран мазмун касб этажак, Тинч, осойишта заминда тинчлик, Истиқлол боғлари гуркираб, ҳосилга киражак. Бу боғларнинг меваси — ҳаёт, муҳаббат, келажакдир.

ХХ асрнинг уруш бўронлари, ядро ёлқинларида катта талофот кўрган Инсоният умид-орзулари, дарду муаммолари билан ХХI аср қопқасини қоқмоқда. Истибдод занжирларини, мутеълик, қарамлик азобларини ХХ асрга ташлаб, ҳур ҳаёт, мустақил давлат қураётган озод Ўзбекистон ХХI асрга кириб бормоқда. Энди унинг обрўси, қадри, юксалиши, жаҳон майдонида ўз ўрнини топиши ҳар биримизнинг меҳнатимиз, тафаккуримиз, жонфидолигимизга боғлиқдир.

Авлодлар бахти, фарзандлар камоли, мустақил Ватан — Она Ўзбекистон равнақи миллий ва ижтимоий барқарорликдадир. Ана шу янги мезон, янги ўлчов, янги мазмун, Жамғарма фаолиятига тош-тарози бўлажак. Бу улуғ қадриятларни азиз билган барча ўзбекистонлик софдил кишилар Жамғарма ишида фаол иштирок этадилар деб умид қиламиз.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ВА "ХАЛҚ СЎЗИ" ХАБАР ҚИЛАДИ

ХУФИЯ "БИЗНЕС" КАСОДГА УЧРАДИ

"Тошкент" автостанцияси ҳудудида жойлашган "Азиз" тижорат дўкони сотувчиси "Серино" ва "Пепси-кола" чанқовбосди ичимликларини амалдаги нархи 18 минг сўм-купон бўлгани ҳолда ҳар бирини 45 минг сўм-купондан ҳеч бир ҳужжатсиз сотган. Ёрдамчи ходалар тақширилганда яна 63 дона ана шундай ичимликлар топилди. Нафс балосига учраган бу сотувчининг хуфия "бизнес"и касодга учради.

ҚЎЛГА ТУШГАЧ МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛДИ

Бўстонлиқ тумани Боғистон ишчилар ширкатига қарашли 3-сон аралаш моллар дўкони текширилганда моддий жавобгар шахс бўлиб ишлайдиган Р. Тилябов 27500 минг сўм-купон миқдордаги моддий-товар бойликларини ўзлаштириб юборгани аниқланди. Р. Тилябов "моддий жавобгар шахс"нинг елкасига тушадиган масъулиятни қўлга тушгачгина англади.

"СОФ ФОЙДА"НИ СУД АНИҚЛАЙДИ

Паркент тумани Э. Халилов кўчаси 24 уйда яшовчи Ш. Эшматов 1665 шиша ярим литрлик арақни катта фойда ҳисобига сотиш учун олиб қўйган экан. Бироқ, у мақсадига эришолмади. Юқоридаги фактлар бўйича тегишли органлар Ш. Эшматовнинг "соф фойда"сини ҳисоблаб беришга киришишди.

Боёвут туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигига ҳам саноат кириб келди. Яқинда хўжалик ишбилармонлари Тожикистондан ип йигирадиган дастгоҳлар келтиришди. Ҳозир корхонада меҳнат қилаётган 50 ишчи калава тайёрлашаяпти.

Суратда: (чапдан) ип йигирувчи Т. Мамедова ва З. Бўрибоевалар иш устида.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Давлат мулк қўмитасининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ишбилармон ва тадбиркорларни 1994 йил 13 августда ўтказиладиган ким ошди савдосига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ким ошди савдосига Қашқадарё вилоятида жойлашган қуйидаги турар-жойлар қўйилади:

1. Қамаши туманидаги қурилиши тугалланмаган "Маданий оқартув маркази" биноси.

Қамаши шаҳри А.Темур кўчасида жойлашган 2 қаватли ғиштли бино. Ер майдони 900 кв.м. Қурилиши 1990 йилдан бошланган бўлиб, ҳозирги кунда қурилиш-монтаж ишлари 55 фоизга бажарилган.

Бошланғич баҳоси: 30,0 минг сўм.

2. "Чироқчи" меҳмонхонаси.

Чироқчи шаҳри марказида жойлашган 54 ўринли 2 қаватли ғиштли бино. Ёнида ресторани бор. Ер майдони 2000 кв.м., 1989 йилда қурилган.

Бошланғич баҳоси: 120,0 минг сўм.

3. Чироқчи туманидаги "Ҳаммом".

Чироқчи шаҳрида жойлашган, соатига 36 кишига хизмат кўрсатилади. Ер майдони 2500 кв.м. 1 қаватли бино. 1982 йилда қурилган.

Бошланғич баҳоси: 70,0 минг сўм.

4. "Яккабоғ" меҳмонхонаси.

Яккабоғ шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган. 1972 йилда фойдаланишга топширилган. 36 ўринли, 1 қаватли ғиштли бино. Меҳмонхонанинг олд тарафи қалин дарахтзор, салқин жой бўлиб, ўртасида фаввора ўрнатилган, фаввора атрофи ва йўлакчалар четига гуллар ўтқазилган.

Меҳмонхонанинг умумий майдони 389.9 кв.м. фойдаланиш майдони 304.7 кв.м.

Бошланғич баҳоси: 40,0 минг сум.

5. Қурилиши тугалланмаган бозорча биноси.

Шаҳрисабз шаҳри А.Темур кўчасида жойлашган. 1 қаватли керамзит блокдан, олди ва ён томонларида ёзги савдо расталари мавжуд бўлиб, усти шифер билан ёпилган. Умумий майдони 500 кв.м.

Қурилиш-монтаж ишлари 90 фоизга бажарилган.

Бошланғич баҳоси: 220,0 минг сум.

6. "КЕШ" меҳмонхонаси.

Шаҳрисабз шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган 3 қаватли ғиштли бино, 1989 йилда фойдаланишга топширилган, 103 ўрин (1 ўринли 3 хона, 2 ўринли 48 хона, юмшоқ ўринли 4 хона) дан иборат. Ёнида ресторан бор, хоналарда душ ва ҳожатхонаси мавжуд, иситиш системалари марказий иссиқлик қувурига уланган. Меҳмонхонанинг орқа ва олдида йўлакчалари, гўлзори, орқа томонида автомашина сақлаш майдончаси бор, атрофида мевали ва мевасиз манзарали дарахтлар экилган. Шунингдек, орқа томонида ёзги павильон жойлашган. Умумий майдони 2600 кв.м.

Бошланғич баҳоси: 200,0 минг сум.

7. Шаҳрисабз шаҳар наслли паррандачилик хўжалигига қарашли қурилиши тугалланмаган "Гриль-бар".

Шаҳрисабз шаҳар маркази - Ипак йўлида жойлашган бўлиб, қурилиш ишлари 1987 йилда бошланган. 1 қаватли ғиштли бино, атрофи темир панжара билан ўралган, сув билан қувур орқали таъминланган. қурилиш ишлари 99.5 фоизга бажарилган.

Бошланғич баҳоси: 100,0 минг сум.

8. "Дўстлик" меҳмонхонаси.

Касби тумани марказида жойлашган 45 ўринли, 2 қаватли ғиштли бино. Меҳмонхонанинг фойдаланиш майдони 424 кв.м. Олд тарафи 60 кв.м., ён тарафида 90 кв.м. ер майдони мавжуд бўлиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. 1975 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси: 100,0 минг сум.

9. Қарши шаҳар савдоси ва бозорлар бошқармасига қарашли "Феруза" магазини.

Қарши шаҳар эски бозор ҳудудида жойлашган. 1 қаватли ғиштли бино. савдо ва омборхонаси мавжуд. Умумий майдони 45 кв.м.

Бошланғич баҳоси: 20,0 минг сум.



10. Қарши шаҳар ширкат савдосига ва бозорлар бошқармасига қарашли "Совғалар" магазини.

Қарши шаҳар эски бозор ичида жойлашган 1 қаватли, замонавий услубда қурилган ғиштли бино. Умумий фойдаланиладиган ер майдони 40 кв.м. Савдо зали ва омборхонаси бор.

Бошланғич баҳоси: 15,0 минг сум.

11. 40 хонадонга мўлжалланган турар-жой биноси.

Қарши шаҳар Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган 1-уй (серияси КСП 017 СА) 1993 йилдан бошлаб қурилаяпти. 4 қаватли темир-бетон каркасли, панелли уй. Қурилиш-монтаж ишлари 90 фоизга бажарилган.

Бошланғич баҳоси: 1,130,0 минг сум.

12. Ғузор туманидаги "Ҳаммом".

Ғузор тумани К.Маркс номли жамоа хўжалигига қарашли, соатига 35 кишига хизмат қиладиган ҳаммом, 2 қаватли ғиштли бино. Биринчи қаватда эркаклар ва аёллар ювиниш хонаси, 4 та якка тартибдаги ювиниш хоналари, сартарошхона, дам олиш хонаси, ошхона ва чойхонаси мавжуд.

Иккинчи қаватда 136 кв.м. ётоқхона, 90 кв.м. дам олиш зали мавжуд. Ҳаммом биносининг умумий сатҳи 1000 кв.м. бўлиб, шарқ услубида қурилган, ер майдони 6000 кв.м. Ғузор шаҳрининг шарқ томонида жойлашган.

Бошланғич баҳоси: 405,0 минг сўм.

Телефон:
(37522) 4-47-67.

• 7 август — Темир йўлчилар куни

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Ҳар доим бўлгани каби бугунги кунда ҳам поезд энг қулай, энг арзон транспорт воситаси бўлиб қолди. Унинг хизматидан миллионлаб кишилар, шунингдек, саноат, қурилиш, савдо ташкилотлари, хўжаликлар — халқ хўжалигининг барча тармоқлари мунтазам фойдаланмоқда. Шу боис темир йўлни мамлакат иқтисодиётининг қон томири, дейиш мумкин.

Ўзбекистон халқ депутати, жумҳуриятда хизмат кўрсатган транспорт ходими Мирмуҳсин Мирҳамзаев раҳбарлик қилаётган Фарғона темир йўл бўлими Марказий Осиё темир йўл бошқармасида илғор жамоалардан саналади. Меҳнат аҳли республика мустақиллигининг уч йиллиги байрам қилинадиган жорий йилнинг дастлабки 6 ойида қувончли муваффақиятларни қўлга киритди. Жумладан, ана шу муддат мобайнида халқ хўжалиги юкларини жўнатиш режаси 105,4 фоиз, тепловозлар ишлаб чиқариш — 109,3, истеъмол моллари ишлаб чиқариш — 139,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш топшириғи эса 155,6 фоиз бажарилди. Бу — бошқарма бўйича юқори кўрсаткич ҳисобланади.

— Анъанавий касб байрамларини муносиб ютуқлар билан кутиб олаётган жамоамиз аъзоларининг мақсади битта: темир йўл хизматидан фойдаланувчи йўловчиларга зарур қулайликлар яратиш, поездлар қатнови мунтазам ва аниқ бўлишини таъминлаш, халқ хўжалиги юкларини манзилларга ўз вақтида етказиш, вагонлар бўш туриб қолишининг олдини олишдир, — дейди М. Мирҳамзаев. — Бу борада, айниқса: Фурқат станцияси бошлиғи Адҳамжон Исломов, мазкур станция навбатчиси Юсуфжон Аҳмедов, Марғилон станцияси навбатчиси Маъруфжон Қорабоев, Яйпан станцияси навбатчиси Маҳмуджон Мамажонов, шунингдек, Худойберди Усмонов, Адҳамжон Алиқулов, Ҳамиджон Ғуломов каби ўнлаб темирйўлчиларимиз фидокорона меҳнат қилиб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Ҳар соҳада тадбиркорлик билан иш юритиш, баҳона изламай, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш бугунги кун талаби. Фарғоналик темир йўлчилар ишни шу тарзда олиб бораётганликлари туфайли муваффақиятларга эришаётир. Бир мисол. Аввллари вагонларни таъмирлаш қўшни давлатларда бажарилар, бу ниҳоятда қимматга тушарди. Ҳозир бундай юмуш асосан ўзимизда бажарилмоқда. Кейинги пайтда Андижон-Тошкент йўналишида қатнаётган "Олтин водий" фирма поезди ҳақида ҳам кўплаб ижобий фикрлар билдирилмоқда. Боиси — унда хизмат кўрсатиш маданияти юқори, йўловчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Вагонлар янги, юмшоқ тўшамалар, гиламлар, зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Марказий Осиё темир йўл бошқармасида ягона бўлган мазкур поезд хизматидан кўпчилик мамнун.

Бўлимда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга зарур меҳнат ва дам олиш шароитлар яратиш бўйича ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Қўштепа" ёрдамчи хўжалигида 705 бош қорамол, 665 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Бу ерда етиштирилган маҳсулот ходимларга, болалар боғчалари ва оромгоҳларга берилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида темир йўлчилар дастурхонига 187 тонна сут ва 30 тонна гўшт тортиқ этилди.

Қўқон ва Поп станцияларида ҳар бири 140 ўринли иккита болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шифохона ва поликлиникалар энг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган. Қўқон ва Андижонда кунига 580 беморга хизмат кўрсатадиган шундай поликлиникалар ишлаб турибди. Челак ва Ширмонбулоқдаги оромгоҳларда темир йўлчиларнинг фарзандлари эзги таътилларини кўнгилдагидек ўтказаётган бўлса, Чимёндаги 100 ўринли санаторийда уларнинг ўзлари саломатликларини тикламоқдалар. Бундан ташқари, ишчи-хизматчилар учун турар жойлар қуриш, меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, хайрия тадбирларини уюштириш ҳам доимо эътиборда.

Буларнинг ҳаммаси фарғоналик темир йўлчиларни унумли меҳнат қилишга, изланишга, янгиликларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этишга даъват этаётир.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: Фарғона темир йўл бўлими бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати Мирмуҳсин Мирҳамзаев Қўқондаги "Дилнавоз" болалар боғчаси тарбиячилари билан суҳбатлашмоқда: янги боғчанинг умумий кўриниши.

Муаллиф олган суратлар.

• Тадбиркорлик

ЗАРДОБДАН... «ШИФО»

Қарши шаҳридаги сут маҳсулотлари комбинати, жамоанинг хоҳиш-иродасига кўра, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, бу ерда тежамкорликка эътибор бериш, чиқитсиз ишлаб чиқаришга амал қилиш, маҳсулот сифатини ошириш масалаларига диққат-эътибор кучайди.

Хусусан, корхонада ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Жамоанинг бир гуруҳ ташаббускорлари ёғи олинган сутни қайта ишлаб, ёз ойларида аҳолига сотиладиган, чанқовбосди қимиз ичимлиги тайёрлаш таклифи билан чиқдилар. Бунинг учун махсус қимиз тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Москва шаҳридан ачитқи олинди. Қимиз тайёрлаш усули жуда оддий: ёғи олинган сут махсус идишларда қайнатилиб, совутилади ва хамиртуруш аралаштирилади, сўнгра унга ачитқи — қўнарги солинади.

Қимиз фақат чанқовбосди ичимлик бўлиб қолмасдан, ўпка, нафас йўли, юрак, қон айланиш хасталиклари билан оғриган кишилар учун шифобахш неъматдир. Унинг таркибида киши танаси учун фойдали моддалар беҳисоб. Бу ерда ҳар куни 5 тонна миқдорида қимиз тайёрлаш имкониятлари бор.

Корхонада кунига 5–6 тонна сутни қайта ишлашдан ҳосил бўлган қатиқ зардоби бевосита канализацияга оқизиб юборилади. "Қаршисут" ҳиссадорлик жамиятининг раҳбари Баҳром Пиримов бир пайтлар тиббиёт фани асосчиси Абу Али ибн Сино асарларидан машҳур табибнинг ўт пуфаги, жигар, буйрак касалликлари билан оғриган беморларни зардоб билан даволаганлигини ўқиганди. Ҳатто, ибн Сино зардоб ёрдамида буйракда пайдо бўлган тошларни туширган, сариқ касалига мубтало бўлганларни дарддан фориғ этган экан.

Баҳром ака зардобдан ичимлик тайёрлаш ғоясини ўртага ташлади. Бу ҳақда ҳиссадорлик жамияти бўйсунадиган республика озиқ-овқат саноати концернига маълум қилинганди. Тошкентдан зардобдан ичимлик тайёрлашга рухсатнома келди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса зардобдан тайёрланадиган ичимликнинг шифобахшлик хусусиятларини аниқлаб берди. Шундай қилиб, "Қаршисут" ҳиссадорлик жамиятида яна бир маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди".

Зардобни тўғридан-тўғри истеъмол этиш киши таъбига ўтирмайди, аччиқлик қилади. Ҳиссадорлар бунинг ҳам йўлини топишди: ҳар тонна зардобга 70 килограмм шакар қиёми қўйиш орқали унинг хуштаъмлиги оширилди.

Ташаббускорлар зардобдан тайёрланган шифобахш ичимликка "Шифо" деб ном бердилар.

Ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ҳар икки ичимлик — қимиз ва "Шифо"га талаб кундан-кунга ортиб, мижозлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг нархи ҳам арзон. Қарши кўчаларида, аҳоли гавжум жойларда ҳар стакан газли сув ўртача 30 тийиндан, рангли ичимликлар 50 тийиндан сотилаётган ҳолда, ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган "Шифо" ичимлигининг ҳар литри 52 тийин, қимиз эса 45 тийиндан сотилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти раҳбари Б. Пиримовнинг айтишича, Қарши шаҳар кўчаларига махсус сиғимли идишларда "Шифо" ичимлиги, қимиз сотувга чиқарилгач, газли сув, бочкаларда турли салқин ичимликлар, пиво сотувчилар учун рақобат пайдо бўлди. Улар янги шифобахш ичимликлар сотадиганларни турли йўллар билан сиқувга олиб, ҳатто аҳоли гавжум жойларда сотилишига йўл қўймай турибтилар. Шаҳар маъмурлари эса, негадир, бу ҳолнинг олдини олиш шифобахш ичимликлар ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш чораларини белгилаш ўрнига, ҳар икки шифобахш ичимликлар таркибини текшириш, миқдорини ўлчашга қайта-қайта комиссиялар жўнатишдан нарига ўтолмаётирлар. Бундан ҳиссадорлик жамиятининг жонкуяр ташаббускорлари ҳам, "Шифо" ва қимиз ичимлиги талабгорлари ҳам зарар кўришаяпти.

• *Ёғи олинган сут қайта ишланиб, қимиз тайёрланаяпти*
• *Бир литр қимиз нархи 45 тийин, "Шифо"ники 52 тийин*
• *Бу чанқовбосди ва шифобахш ичимликларни сотишга, афсуски, Қаршида тўсқинлик қилмоқдалар.*

П. ГАДОЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Сирдарё вилоят ҳокимияти молия бошқармаси бошлиғи
Холбек ҚЎЗИБОЕВнинг
фожиали вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда яқин кишиларига таъзия изҳор этади.

Жиззах пайпоқ тўқув корхонаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси корхона бошлиғи ўринбосари Нарзулла Юсуповга волидаи муҳтарамаси
Қумри ая ЮСУПОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 8

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Истиқлол жамоли.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Ишбилармон".
18.35 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестри ижросида тинчлик ҳақида қўшиқлар.
19.10 "Осойишталик посбонлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Маънавият ва маърифат".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЮРТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ".
22.20 ЎзТВ хазинасидан. В. Шекспир. "Отелло". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "ДАН: йўлингиз бехатар бўлсин!".
20.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "БУ БЎСТОН АРО".
21.00 "Деҳқон ҳиммати".
21.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
22.00—23.30 "Ота меҳрини кўрмаганлар". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Сиз яратган боғ".
20.25 Душанба куни детектив. "Арзонгаров хонадон атрофидаги машмашалар". Бадиий фильм. "Эркюль Пуаро" сериалидан.
21.25 "Клип-антракт". А. Пугачева.
21.30 — 22.25 "Ҳақиқат онлари".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Оқ тўти" клуби.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 — 23.00 Яхши ният ўйинлари. Ёпилиш маросими. Футбол. Россия — жаҳон терма командалари. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.

Сешанба, 9

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 Болалар учун фильм. "Сеҳрли тун".
9.35 Инглиз тили.
10.10 "Аёл ва жамият".
10.45 Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев куйлайди.
11.20 Ўқитувчиларнинг Август кенгашлари олдидан.
12.00—13.20 В. Шекспир. "Отелло". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Истиқлол жамоли.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари.
18.45 "Санъат усталари". Абдураҳим Исмоилов.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мухбирларимиз хабар қилади".
20.15 "Дилкаш суҳбатдош". Профессор Ғулом Зокиров.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЁР!". Экранда — Сирдарё вилояти.
22.35 ЎзТВ хазинасидан. В. Шекспир. "Отелло". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Мультфейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
21.00 Видеогид.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Совға".
9.30 Эълонлар.
9.40 Видео — "О".
11.20 Эълонлар.
11.30 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
12.00 "Курьер".
12.20 Эълонлар.
12.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
13.00 "Даракчи".
13.10 Эълонлар.
13.15 — 15.00 Видео — "О".

***

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Динозаврга айланмайлик".
20.10 "Ҳеч ким унутилмайди".
20.15 Киномарафон. "Айнаган зот". Бадиий фильм (Франция).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.30 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Альбатрос"нинг сўнгги рейси". Бадиий фильм. 1-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.00 "И. Бродский билан бирга сайр". 2-кўрсатув.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 Д. Че з асарлари экранда. "Хавфли ҳисобланади". Бадиий фильм (Италия).
22.25 — 22.55 "Спорт юлдузларини саралаб..." Яхши ният ўйинлари.

Чоршанба, 10

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 Болалар учун фильм. "Дубравка".
9.50 Лотин алифбоси.
10.20 "Аждодлар мероси". Кинодастур.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.10—12.15 В. Шекспир. "Отелло". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Истиқлол жамоли.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Болалар меҳмонхонаси".
18.40 "Ёшлик" студияси. "Армонли дунё".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дутор ва танбур тароналари.
20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ". 1-кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
22.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Спринт".
20.15 "Ёшлар ижоди".
21.00 "Тошкент: шаҳар юмушлари".
22.00—23.45 "Матонат". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Янги чизиқ".
20.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
21.30 "Ҳеч ким унутилмайди".
21.35 "Оддий кун".
22.10 "Атом сирлари". Видеофильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.30 "Альбатрос"нинг сўнгги рейси". Бадиий фильм. 2-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Комедиялар рицари". Эраст Гарин.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.45 — 23.00 Федерико Феллини фильми. "Кема эса сузиб борарди" (Италия).

Пайшанба, 11

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 Болалар учун фильм. "Дўстим Коля".
10.00 "Афсоналар ороли", "АҚиқлар ҳақида ҳикоялар". Телефильмлар.
10.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.35 Кичкинтойлар учун. "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб".
11.00 "Ёшлик" студияси. "Талаба бўлиш осонми?".
11.35—12.15 "Бола бошидан...", Мактабгача тарбия масалалари.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Истиқлол жамоли.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Фан ва ишлаб чиқариш.
18.40 "Навоийхонлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Пахтакор-79" хотираси. "Армонда кетган 17 ўғлон".
20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Хирмон тўлиб тўкилди дон..." Республика ғаллакорларининг меҳнат ютуқларига бағишланган кўрсатув.
23.05 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Ситора" (Душанбе).
00.35—01.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Зиндаги ёҳуд муҳаббат".
20.50 Видео янгиликлари.
21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.45 "Рек-тайм".
21.15 "Репортер".

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.30 — 23.40 "Альбатрос"нинг сўнгги рейси". Бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.

"ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Йўлбошчи".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.50 1994 йил қўшиқлари.
21.35 — 23.15 "Парадиз йўли". Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

Жума, 12

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 Болалар учун фильм. "Митти қочоқ".
10.15 "Ўлкамни куйлайман". Кинодастур.
10.55 Эстрада концерти.
11.25 "Замин қалбига қулоқ тут". Телефильм.
11.55—12.25 "Мозийдан ёғдулар". Абулғози Баҳодирхон.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Истиқлол жамоли.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Оромгоҳлар қўйнида".
18.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ёшлик" студияси. "ЭЪЗОЗ".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бевосита мулоқот. Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш тўғрисида.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Маърифатнома".
22.05 Ҳофизлар ҳонишлар қилганда.
22.35 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Копетдоғ" (Ашғабад).
00.05 — 00.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Қалбингда қуёш порласин".
20.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ВАТАН ТУЙҒУСИ".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Тошкент оқшомлари.
22.25 — 23.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Батька". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.50 Спорт кўрсатуви.
20.55 "Маски-шоу".
21.25 Криминал хабарлар экрани.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 — 22.50 "Ғолиб". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.05 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 — 23.00 С. Синьоре, И. Монтан, С. Сандрелли "Полиция, Питон-357" детектив фильмида (Франция, ФРГ).

Шанба, 13

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 "Кичик сержант". Бадиий фильм.
10.00 "Пахтакор-79" хотира турнири. Финал. "Навбаҳор" (Наманган) — "Сўғдиёна". (Жиззах).
10.50 "Хотира". Чустий лирикаси.
11.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбектелефильм": изланиш ва муаммолар". Кинокўрсатув.
12.35 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
13.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Телевизион театр. Тўлан Низом. "Учар юлдуз".
14.20 — 14.50 "Халқ ижодиёти". Оилавий ансамбллар, лапар ва катта ашулалар республика танлови ғолибларининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Истиқлол жамоли.
18.05 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
18.30 "Оламни асранг!".
18.50 "Мулоҳаза". Ўзбек удумлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Аём нафаси". Телефильм.
20.05 "Рақслар гулдастаси". Ўзбекистон халқ артисти Қундуз Миркаримова саҳналаштирган.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 Ф. Ғаллер. "Малика". Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.55 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
10.10 Видеогид.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" тақвими.
12.50 "Жозиба".
13.10 "Бир шингил ҳангома".
13.20 "Зиндаги ёҳуд муҳаббат".
13.40 Видео янгиликлари.
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
14.50 "Кинонигоҳ".

***

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.35 "Дарвоқе...".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Шифокор маслаҳати. Бевосита мулоқот.
22.10 — 23.10 "Мусиқали меҳмонхона".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.00 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

11.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
11.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Илк одимлар". Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати.
12.10 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлида".
12.35 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
12.50 "Уммондан томчи".
13.25 "Кашфиётлар оламида".
14.05 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
14.20 "Жаҳон ва биз".
14.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбекистон — қадрдон уйим".
15.40 "Бу ажиб дунё".

***

18.00 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Овросиё-ТВ" таништиради: "Аделаида". Бадиий фильм.
21.30 "Мутлақо махфий".
22.20 "Спорт кўрсатуви.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.30 "Нечипоровка табассуми". Телевизион бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Ўшангача ва ундан сўнг".
18.40 Россия юлдузлари Патриархлар ҳовузи бўйида.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 — 22.35 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Марҳумнинг мактуби". Телевизион бадиий фильм (АҚШ).

Якшанба, 14

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 79 — 80-сериялар.
10.05 "Ватанимга хизмат қиламан".
10.35 "Ўзбекистон композиторлари". Мирсодиқ Тожиев.
11.15 Қурувчилар куни. "Бунёдкор".
11.45 "Ёшлик" студияси. "Оқ ва қора".
12.40 "Халқ севган достонлар". Рўзимбек Муродов ижросида "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достони.
13.40 "Хотира". Адабиётшунос Шарофиддин Шарипов.
14.30 — 15.00 Болалар учун. "Умида рақсга тушади".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Истиқлол жамоли.
18.05 "Ёртиқулоқ ва ялқовлар". Мультфильм.
18.15 "Цирк! Цирк! Цирк!".
18.55 "Водий оҳанглари". Фарғона вилояти филармонияси артистларининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Қалб садолари". Қурувчилар кунига бағишланган мусиқий дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Истиқлол жамоли.
21.35 Эълонлар.
21.40 "Ойнан жаҳонда...".
22.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА."БИР ЎЛКАКИ...".
23.00 "Кино усталари". Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева.
23.50 — 00.20 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 Эълонлар.
17.50 Видео — "О".
19.40 Эълонлар.
19.45 "Курьер".
20.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.30 Эълонлар.
20.35 "Даракчи".
20.45 "Салом, ёшлар!". Мусиқий кўрсатув.
21.25 Эълонлар.
21.30 Видео — "О".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.20 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

11.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
11.45 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
12.20 "Ташрифлар ва таклифлар".
12.35 "Авлодлар".
13.15 "Озгина-ю, созгина".
13.30 "Ариран" (корейс тилида).
14.00 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
14.15 "Истиқлол истиқболи".
14.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (ингли

ҲАВЗИ КАВСАР

ШАНБА УЧРАШУВИ

• *Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз УСМОНОВА билан суҳбат*

МАРҒИЛОНДА МАЖНУНТОЛЛАР КУЙЛАЙДИ...

— Юлдузхон, сизни "Халқ сўзи" ўқувчилари номидан юксак унвон билан табриклайман.

— Раҳмат. Менга шунчалик ишонч билдиришган экан, уни оқлашга, халқимга сидқидилдан хизмат қилишга ўзимни бағишлайман.

— Санъатда ўз ўрнингизни топган хонандасиз. Ҳозир эса бу йўлдаги илк қадамларингиз қандай кечганлигини эсга олсангиз.

— Мактабни битириб, Марғилон ипакчилик комбинатида тўқувчи бўлиб ишлаб юрганимда, турли кўрик-танловларда қатнашиб турардим. Ана шундай танловлардан бирида Марғилон педагогика билим юрти мусиқа ўқитувчиси Баҳодир Раҳмонов мени чақириб, билим юртига ўқишга киришни таклиф қилди. Ота-онамга айтсам, улар, "Бизнинг авлодда артист бўлмаган, тўқувчилигингни қилавер", — дейишди. Аммо бир куни тўсатдан онам: "Қизим, майли ўқишга борақол", — деб рухсат бера қолдилар. Ҳайрон бўлиб, сабабини сўрадим. Эшикларни бекитиб олиб, "Муножот"ни куйлаётганимда отам онамга радиони овозини баландроқ қил, дебдилар. Онам, "Бу радио эмас, Юлдузингиз айтяпти", деганлар. Дадам шунда: "Қизимизнинг шундай овози бор экан-у, биз унга ўқишга рухсат бермай ўтирибмиз-а", — дебдилар. Билим юртига мени иккинчи курсдан ўқишга қабул қилишди. Ўқишни битириб, Марғилонга концертга борган Гавҳархоним Раҳимова билан танишиб қолдим. Улар мени Тошкентга таклиф қилдилар.

— Катта саҳнага чиқишингизда кимнинг кўпроқ ёрдами теккан.

— 1987 йили "Халқлар дўстлиги" саройида бир таниқли хонандамиз маълум бир сабабларга кўра, концертга келолмаган. Билетлар сотилган, концерт уюштирган ижодкорларнинг боши қотган. Ўшанда консерваторияда ўқирдим, энди-энди кассеталар орқали қўшиқларим тарқалаётган эди. Ўша концерт ташкилотчилари нима қилиб бўлса-да, концертни ўтказиб беришимни илтимос қилишди. Таваккал, деб рози бўлдим. Ярим кун ичида саҳнабоп қилиб кийим ҳам тикдирдим. Катта саҳнага ёлғиз ўзим биринчи бўлиб чиқяпман: ҳам ҳаяжонда, ҳам қўрқувдаман. Томошабинлар биз бошқа хонанданинг концертига билет олганмиз, бу қизча ким ўзи, деб дастлаб анча шовқин қилишди. Бир аёл ёнимга келиб, билетни қаерга топширамиз, деб кесатди ҳам. Иккинчи қўшиғимни тугатишим биланоқ, олқишлар кучайиб, дастадаста гуллар тақдим қилишди. (Ўша кунни эсласам, ҳозир ҳам бироз ғалати бўлиб кетаман). Билетни топширмоқчи бўлган ҳалиги аёл ҳам концертдан сўнг келиб, узр сўраб кетди.

— Ижодингизда сўнгги пайтларда лапар жанрига мойиллик сезилмоқда. У кейинги пайтларда бироз унут бўлган эди. Бу жанр устида жиддий ишлаяпсизми, ёки бу ижодингизда шунчаки ўткинчи ҳолми?

— Марғилондаги ипакчилик комбинатида ишлаб юрганимда, шу ерда бир боғбон бўларди. У киши гулларни парваришлай туриб, кўпинча халқ йўлидаги қўшиқларни хиргойи қиларди. Дастлабки қўшиқларимдан бири бўлган "Қоқинаман"нинг сўзларини ана шу кишидан ўрганганман. Ўша пайтлардаёқ лапар йўлида айтиладиган ашулаларга меҳрим тушувди. Ижодимда улар доимо ҳамроҳ бўлади деган, умиддаман.

— Сиз саҳнада қўшиқ айта туриб, таваккал қилганмисиз? Мабодо, бирор қўшиғингизни томошабин яхши қабул қилмаганлигини сезиб қолсангиз, ўзингизни қандай тутасиз?

— Бир куни концертдан бир соатлар олдин "Отажон" деган қўшиғимнинг сўзларини ўқиб қолдим. Шу заҳоти шеърга хос бир оҳанг бутун вужудимни қамраб олди. Дарҳол роялда куй чалиб, қўшиқни айтиб кўрдим. Ўша куни таваккал деб, концерт дастуримга уни ҳам киритдим. Худога шукур, томошабинлар яхши кутиб олдилар.

— Сиз яратган қўшиқларнинг ҳаммаси ҳаётий, сўзлари ўткир. Шеърларни қандай танлайсиз?

— Китоб ўқирканман, бирорта шеър ёқиб қолса, дарров бир-икки қаторини қийра солиб, хиргойи қилиб кўраман, яхши қўшиқ чиқишига астойдил ишонганимдан кейин, ишга киришаман. Баъзида ўзимга ҳам "Илоҳий" илҳом келиб қолади. Шунда қоғоз қалам олиб, ёза бошлайман. "Шоҳни ҳам, гадони ҳам" қўшиғим сўзини ўзим ёзганман. Яқинда концертимда бир аёл саҳнага чиқиб, қўлимга даста гул билан бир қоғоз тутқазди. Концерт тугагач, ўқидим ва этим жимирлаб кетди. Бир аёлни иккинчи бор турмушга беришади. Биринчи турмушидан бир қизчаси қолган экан. Аёлни шу куни ёр-ёр айтиб олиб кетишаётганда ортидан йиғлаб, чопиб бораётган қизалоғининг ачинарли ҳолати шеър қилиб битилганди. Уни қўшиқ қилдим.

— Шоир Муҳаммад Юсуфнинг шеърларига кўпгина хонандалар қўшиқ басталашган. Лекин сиз айнан шу шоирнинг шеърларини катта маҳорат билан куйлайсиз. Бунинг сабаби нимада?

— Муҳаммад Юсуф шеърларини эъзозлаб ўқийман. Ўша ўқиётганимнинг ўзида шеърга хос мусиқа қулоқларим остида жаранглайверади. Бу балким Муҳаммаджон ака ижоди билан менинг ижодимнинг "юлдузи юлдузига" тўғри келганлигидандир. Айнан шу шоирнинг шеърларидан яралган қўшиқларимни тўлқинланиб ижро этишимнинг сабаби ҳам шу бўлса керак, деб ўйлайман.

— Сиз шоирнинг "Хур қиз" шеърига куй басталаб ижро этгансиз. Уни тингласам, вужудим алланечук бўлиб кетади. Менимча, ҳамманинг дилидан ўзига хос ўрин эгаллаган. Қўшиқнинг яралиш тарихини айтиб берсангиз?

— Бу шеърни китобда ўқиб қолганман. Шеър акаси пичоқлаб ўлдирган ўша сиз билан биз тарихда ўқиган ўзбек аёли — Нурхонга бағишланган. Уни ўқиб туриб, ҳали кипригидан кўз ёшларининг нами кетмаган, сочлари тақимига тушган, қучоғида сўлимаган бир даста лолақизғалдоқ, кўнглида армон қотиб қолган, танаси совуб улгурмаган қизни кўз олдимга келтирдим. Дарҳол куй басталадим. Ҳақиқатдан ҳам, қўшиқ ўз мухлисларини топибди. Бундан хурсандман.

— Бир кун аёллар даврасида "Юлдуз ҳам уйида иш қилармикан, овқат пиширармикан?" деган гапларни эшитиб қолдим. Мана ҳозир уйингизнинг озодалиги, ўзингизнинг чаққон ҳаракатларингизни кўриб, рўзғорни яхши тутишингизга, пазандалигингизга шубҳам қолмади...

— Аёл киши, аввало, саранжом-сариштa, озода ва пазанда бўлиши керак, деб ўйлайман. Мен ҳамма аёллардагидек бир кунда бир марта уй тозалайман. (Албатта уйда бўлсам). Хонадонимизда кунига ҳеч бўлмаганда, бир маротаба қора қозон қайнайди. Бу ишни ўзим яхши кўраман. Мақтанаяпти деб ўйламангу, ош қилишда ўзбек аёлларидан, лағмон чўзишда уйғур аёлларидан ўтаман. Тандирда нон, сомса ёпишни яхши кўраман. Марғилонга ота-онамни кўргани борсам, шавқим тутиб, тандирга ўзим ўт қалайман, нон ёпаман. Аёлларга хос ҳамма ишларни онамдан ўрганганман, аммо эркакларга хос юмушларни кўпроқ яхши кўраман. Отам дурадгор. Кичкиналигимда отамнинг устахонасига кириб, тахта рандалашардим.

— Саҳна костюмларини қандай танлайсиз. Бу ишда кимлар ёрдам беради?

— Саҳнага чиқишдан аввал костюмларни росаям танлайман. Ҳар бир кийимнинг ранги, тикилиши, қўшиқ мазмунига мос тушиши керак-да. Уларни тайёрлашда Модалар уйининг катта устаси Владислав Репин ва тикувчи Надежда Чурадаева ёрдам берадилар. Концертга келган томошабин нафақат қўшиқларимдан, балки кийган кийимларимдан ҳам завқ олса, дейман.

— Сиз қўшиқ куйлаётганингизда тингловчида бутун борлиқни унутгандек тасаввур қолдирасиз.

— Чунки бутун фикру зикрим куйлаётган қўшиғимда бўлади... Лекин борлиқни унутмайман, у билан ҳамоҳанг куйлайман.

— Кўпгина хонандалар сизга тақлид қилишга интилишади. Сизчи, қайси хонандага ўхшагингиз келади?

— Ўзимга... Фақат ўзимга ўхшагим, ўзим бўлиб куйлагим келади. Менинг энг ёмон кўрганим тақлид. Санъаткорнинг ўз йўли бўлиши керак. У кимгадир тақлид қилдими, ўзлигини йўқотади.

— Шуҳратга, қарсакларга қандай қарайсиз?

— Санъаткор учун асосийси қарсаклар эмас, эъзоздир.

— Орзуларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Қўҳна урф-одатларимиз асосида сценарий ёзиб, кино соҳасига ҳам улуш қўшсам, деган орзуим бор...

"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири Гулнора АБДУЛЛА қизи суҳбатлашди.

Табиат қўйнида... Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЛОЙИҲАЧИ — ҲОКИМ МУОВИНИ

Янгиер шаҳрига борган бўлсангиз, шарқона услубда қурилган чойхонага кўзингиз тушгандир? 1993 йилнинг бошида унинг пойдеворига биринчи ғишт қўйилган эди. Ўшанда Ховос тумани ҳокимлиги ана шу олижаноб ишни бошлашга бошлади-ю, дастлаб анча хавотирга ҳам тушди. Чунки қурилиш хайрия маблағи ҳисобига, ҳашар йўли билан амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Ният рўебга чиқмай қолса-чи? Йўқ, саховатли кишилар саъй-ҳаракатлари туфайли чойхона республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги нишонланган кунда тантанали равишда очилди. Шундан буён у туман ва Янгиер шаҳар аҳолиси ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Айни кунларда чойхонанинг иккинчи навбати қурилиши ҳам жадал олиб борилаяпти. Ҳокимлик бу ердаги барча бинокорлик ишларини қисқа муддатда тугатиб, уни 1 сентябрь — Мустақиллик кунига ишга туширишни мўлжаллаётир.

Янгиернинг чиройига-чирой, кўркига-кўрк қўшаётган иншоотлар фақат шулардангина иборат эмас. Яқинда бу ерда миллий меъморчилик услубида ҳашаматли рамзий дарвоза, Давлат автомобиль назорти пункти ва учта автобус бекати қад ростлади. Улар ҳам ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Диққатга сазовор томони шундаки, мазкур иншоотлар лойиҳасининг муаллифи маҳаллий меъмор, туман ҳокимининг ўринбосари Исобек Ўрмоновдир. Ҳозир туман марказида унинг лойиҳаси асосида ёпиқ бозор қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Ортиқ СУЛТОНОВ, Сирдарё вилояти.

• *Бу ғаройиб дунё*

«Ишбилармон» маймунлар

Африканинг Таиланд, Малайзия каби мамлакатларида ўргатилган маймунлар кокос дарахтларига чиқиб унинг ҳосилини йиғиб олишда ўз эгаларига кўмаклашадилар. Баланд дарахтларнинг юқори шохларидаги одам бўйи етмайдиган енгоқ ҳосилини териб олишда маймунларнинг бу ҳаракатлари эгаларига хуш ёқмоқда.

***

Ҳиндистонда эса маймунларни кўриш учун атайлаб ҳайвонот боғига кириш шарт эмас. Кўчаларда ҳар қадамда уни учратиш мумкин. Бироқ, маймунларнинг ҳатти-ҳаракатларини кишилар эътиборсиз қолдиришмайди. Чунки пойтахтнинг жанубий ва ғарбий туманларида бу жониворлар аҳолининг ғашига тегмоқда. Мева-чева ва бошқа лукмаларни олиш учун улар кўча-кўйда аёлларга, ҳаттоки болаларга ҳам ташланишаяпти. Бу ҳам етмагандек, одамларни тишлашдан ҳам қайтишмайди. Мактабларга кириб қаровсиз қолдирилган нонушталарни олиб қочишмоқда. Ошхоналарни остун-устун қилишаяпти. Телевизор антенналарини синдириб, қуритиш учун дераза ромларига илиб қўйилган кийим-кечакларни йиртиб кетишмоқда. Деҳли аҳолиси маҳаллий ҳокимиятдан бундай "ишбилармон" маймунларни тутиб шаҳардан ташқарига олиб бориб ташлашни талаб этди.

• *Ўқинг, фойдали...*

ЧОЙ ДАМЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Чой киши кайфиятини хушчақчақ қилиши, чанқовбосди эканлиги ҳаммага маълум. Лекин унинг ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган яна бир хислати ҳам бор. Кўк ва қора чой таркибида 2-3 фоизгача кофеин бўлиб, бу модда киши юраги ва асаб фаолиятини изга солиб туради. Чой таркибидаги танин моддаси ва ифор (эфир) мойлари инсон танаси учун фойдали бўлиб, дамланган чойга нафис таъм ва хушбўй ҳид беради. Унинг ана шу хўшбўйлигини сақлаб қолиш учун ҳам чой дамлашда маълум бир қоидаларга риоя қилиш керак бўлади.

Масалан, чой дамлаётганда, аввало чойнакни қайноқ сув билан чайқаш лозим. Сўнгра ярим литрлик чойнакка 1 ёки 2 қошиқ қуруқ чой солиб, устига ярим пиёлача қайноқ сув қўйиб ўчоқдаги чўққа яқин қўйиб қўясиз (ёки газ плитасининг иссиқхонасига). 2-3 дақиқа ўтгач, чой дамланиб, чойнакни 4-5 дақиқа қалинроқ сочиққа ўраб "дам" едириб қўясиз. Ана шунда мазза қилиб хушбўй чой ичишингиз мумкин.

Албатта, чой дамлаш хусусидаги ушбу "рецепт"низ кимгадир маълум бўлиши табиий. Лекин... кўпчилик ҳали буни билмаслиги ҳам турган гап.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ тайёрлади.

• *Футбол шарҳи*

"ПАХТАКОР" ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТДА

ЖАМБУЛДА Осиё кубок эгалари кубоги учун Марказий Осиё гуруҳи баҳслари ниҳоясига етди. Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси тўртта учрашувнинг учтасида ғалаба қозонди. Ҳамюртларимиз Кўлобнинг "Равшан" жамоасини 10:0, Туркманистоннинг "Мерв" клубини 4:0, Қирғизистон вакили "Олой"ни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Лекин бу ғалабалар жамоамизга Осиё кубок эгалари кубоги учун баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини бермади. Майдон эгалари — "Тараз" билан бўлган иккинчи турдаги учрашувда юртдошларимизнинг 0:3 ҳисобида имкониятни бой бериши қимматга тушди. Жамбулликлар эса барча учрашувларда йирик ҳисобларда ғалаба қозонишиб, турнирда биринчи ўринни эгаллашди ва қитъа кубоги учун баҳсларни давом эттирадиган бўлишди. Қозоғистон чемпионатида улар атиги саккизинчи поғонани эгаллаб туришибди.

"Тараз" — "Олой" — 8:1, "Олой" — "Мерв" - 1:3, "Равшан" — "Мерв" — 0:1, "Тараз" — "Равшан" — 8:1, "Тараз" — "Мерв" — 8:1, "Равшан" — "Олой" — 2:0.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Тараз"	4	4	0	0	27:3	8
2. "Пахтакор"	4	3	0	1	19:4	6
3. "Мерв"	4	2	0	2	6:13	4
4. "Равшан"	4	1	0	3	3:19	2
5. "Олой"	4	0	0	4	3:18	0

Ҳамюртларимиздан тўпларни Шуҳрат Мақсудов (9 та), Собир Ходиев (6 та), Абдуқаҳҳор Маъруфалиев (2 та), Дилмурод Назаров ва Асил Мамунов (1 тадан) киритишди.

Очколар, воқеалар, натижалар

КАТТА ФУТБОЛ АЭРОПОРТДАН БОШЛАНАДИ

ЕВРОПА кубоклари учун биринчи марта баҳсга киришга шайланаётган Камишиннинг "Текстильщик" жамоаси УЕФА кубоги учун учрашувларни ўз майдонида ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Сабаби, Камишинда аэропорт йўқ. УЕФА талабларига кўра Европа кубоклари учун баҳсга киришадиган жамоаларнинг шаҳрида, албатта аэропорт ҳам бўлиши шарт. Шунинг учун Россия клуби ўз майдонидаги ўйинларни Волгоградда ўтказадиган бўлди.

Хўш, ўзбекистонлик футбол ихлосмандлари орасида ҳам ўз мухлисларига эга бўлган Киев ва Тбилисининг "Динамо", Москванинг "Спартак", Вильнюснинг "Жалъгирис" каби жамоалари Европа кубоклари учун баҳсларда дастлаб қайси жамоаларга қарши майдонга чиқишади?

ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

Чемпионлар лигасида бу йилдан бошлаб дастлаб 4 гуруҳда тўрттадан жамоа қатнашади. **"А" гуруҳи:** "Барселона" (Испания), "Манчестер Юнайтед" (Англия) жамоалари ва "Авенир" (Люксембург) — "Галатасарой" (Туркия), "Спарта" (Чехия) — "Гётеборг" (Швеция) учрашувларининг ғолиблари ўзаро баҳсга киришишади. **"В" гуруҳи:** "Спартак" (Москва), "Бавария" (Германия) ҳамда "Динамо" (Киев) — "Силькеборг" (Дания), "Пари Сен-Жермен" (Франция) — "Вац" (Венгрия) учрашувларининг ғолиблари. **"С" гуруҳи:** "Бенфика" (Португалия), "Андерлехт" (Бельгия), "Стяуа" (Руминия) "Серветт" (Швейцария), "Легия" (Польша) — "Хайдук" (Хорватия) учрашувларининг ғолиблари. **"Д" гуруҳи:** "Милан" (Италия), "Аякс" (Голландия), "Маккаби" (Исроил) — "Казино" (Австрия) АЕК (Греция) — "Глазго Рейнжерс" (Шотландия) учрашувларининг ғолиблари.

Гуруҳларда қатнашиш ҳуқуқини берадиган саралаш учрашувлари 10 ва 24 август кунлари ўтказилади. Европанинг қолган мамлакатлари чемпионлари УЕФА кубогида қатнашади.

КУБОК ЭГАЛАРИ КУБОГИ УЧУН

"Жальгирис" (Вильнюс, Литва) — "Барри Таун" (Уэльс), "Тилигул" (Тирасполь) — "Омония" (Кипр).

УЕФА КУБОГИ УЧУН

"Лиллестрем" (Норвегия) — "Шахтёр" (Донецк), "Динамо" (Тбилиси) — "Университетя" (Руминия), "Арарат" (Ереван) — ЦСКА (Болгария), "Динамо" (Минск) — "Хибернианс" (Мальта).

Р. ЭРМУҲАММАД, "Халқ сўзи" мухбири.

ОЙ ЕРДАН УЗОҚЛАШМОҚДА

Лазерли локация усулларининг аниқлашича, Ой Ердан ҳар йили қариб 4 сантиметрга узоқлашмоқда. Демак, деб тахмин қилишаяпти олимлар бундан 4 миллиард йил аввал сайёра билан йўлдош ўртасидаги масофа ҳозиргидагидан 3 маротаба яқин бўлган. Ердаги жараёнларда, масалан, океан сувининг кўтарилишида, ой муҳим ўрин эгаллашини назарда тутадиган бўлсак, йўлдош орбитасининг эволюциясини ҳисоблаб чиқиш сайёрамизнинг геологик тарихини қисман қайта таъмирлашга имкон беради. Мисол учун, ер юзида суюқлик майдони аста-секин кенгайиб борганини кузатиш мумкин. Тахминан 1,6 миллиард йил муқаддам материялар майдони ҳозиргидан қариб 3 марта кам бўлган...



Жаҳонгашта лайлак меҳри гул водийга бойланди.
Бу садоқат учун эъзоз саватига жойланди.
Электрнинг қувватидан қудратланган симёғоч —
Содиқ қушни кўтаргали тўқ иликка айланди...

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, "Халқ сўзи"), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, "Халқ сўзи"), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, "Народное слово"), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, "Народное слово"), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Бойқўзиев, навбатчи — Ш. Мутаҳҳархон ўғли.

Рўйхатдан ўтиш тартиб №0001 Буюртма Г. — 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 24.00.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк турон» кўчаси, 41. 1 2 3 4 5 6 Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти — 21.00.